

AGR



IQTISODIYOT

ilmiy-amaliy agroiqtisodiy jurnal



ISCAD

The International Strategic Center
for Agri-Food Development

3/2022

Agroiqtisodiyot

илмий-амалий агроиқтисодий журнал

МУНДАРИЖА

3. **Т.ФАРМАНОВ, З.ФАРМОНОВА.** Қишлоқ хўжалиги учун субсидиялар ажратиш ҳолати ва уни такомиллаштириш йўллари
8. **З.СЕЙТИМБЕТОВА.** Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро марказининг фаолияти натижалари
12. **К.ЧОРИЕВ.** Экономическая сущность и формы эволюционного развития ресурсного потенциала
16. **А.МУХТОРОВ, С.РАВШАНОВ.** Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда ривожланган давлатлар тажрибаси
19. **А.АБДУЛЛОЕВ, Н.АСКАРОВ.** Ер майдонларини дегрaдацияга учраш сабаблари ва уларни бартараф этиш йўллари
23. **Д.ЯНГИБОВЕВ, З.БАЙМУРАТОВА.** Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ошириш йўллари
26. **А.ЭРДОНАЕВ.** Глобаллашув ва унинг тижорат банклари фаолиятига таъсири
32. **Я.АЛИЕВ.** Аграр соҳада инновацион хизматлар бозорини ривожлантириш
35. **Б.ҲАҚБЕРДИЕВ.** Суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини ошириш йўналишлари
38. **Ш.АЗИЗОВ.** Особенности организации транспортной логистики в аграрной сфере
41. **А.АЙТЫМБЕТОВ.** Интенсив усулда балиқ етиштириш самарадорлигини ошириш йўллари
45. **М.ДУСТОВА.** Риски в сельскохозяйственных предприятиях
49. **Д.БАЙЖАНОВ.** Тижорат банкларида ислом молия тизимидан фойдаланиш йўллари
52. **С.НОСИРОВА, Н.ТУРСУНОВА.** Ўзбекистонда агротуризмни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари
54. **A.NORQO'ZIYEV.** Ichki resurslarga asoslangan hududiy infratuzilmani takomillashtirishning xorij tajribasi va uni O'zbekistonda foydalanish imkoniyatlari
58. **А.НОРОВ.** Тижорат банклари капиталини шакллантиришда банк даромадининг роли: АТБ "Агробанк" мисолида
61. **У.НУРМАНОВ.** Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарида жорий активларни бошқариш механизмнинг услубий асослари
64. **М.СОБИРОВА.** Qishloq xo'jaligida meva-sabzavot kooperatsiyasini tashkil etish va rivojlantirish
67. **И.ТОЙМУХАМЕДОВ.** Қишлоқ хўжалиги тузилмаларини молиявий маблағлар билан таъминлашда банк кредитларидан фойдаланиш масалалари
69. **Б.ЮЛДАШЕВ, С.ЖАМОЛДИНОВ, О.ХАСАНОВ.** Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари тадбиркорлик асосида маблағлар ишлаб топилшининг мақсади ва аҳамияти
73. **У.ЭЛЬБУСИНОВА.** Инновациялар асосида қишлоқ хўжалигида иқтисодий самарадорликни таъминлаш
75. **Г.САМИЕВА, Ш.РАМАЗОНОВ.** Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш: Хитой тажрибаси мисолида
78. **М.ХОЖИБОВЕВ.** Солиқ юки ва уни оптималлаштириш масалалари
81. **К.ХАТАМОВ.** Асосий воситаларни тахлилий кўрсаткичлар асосида аудит қилиш зарурияти
84. **Ҳ.ТУРОБОВА, Ф.САИДОВА.** Қишлоқ хўжалиги кооперативларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий моделлари
87. **Ш.ФАЙЗИЕВА.** Чорвачилик кластерларида иқтисодий механизмларни такомиллаштириш
90. **У.САДУЛЛАЕВ.** Чорвачилик тармоғини интенсив ривожлантиришда Испания тажрибаси
93. **А.ҲАМЗАЕВ.** Иқтисодиётни трансформациялаш жараёнида капитал бозорини ривожлантириш истиқболлари
96. **О.АЗИЗОВ.** Agrar sohasiga investitsiyalarni jalb qilishning holati va istiqbollari
99. **М.ТУХТАРОВА.** Мулккий суғурталаш амалиётининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш
103. **О.ОЧИЛОВ.** Инвестицияларнинг омилли тахлили ва уни такомиллаштириш
107. **A.ABDURAXMANOVA.** Qishloq hududlarida ekologik turizm maskanlarining iqtisodiy salohiyatini baholash
110. **Х.ЯҚУБОВА.** Россия федерациясининг деҳқон хўжаликларини кредитлаш тизимидаги илғор тажрибалари
113. **Р.НУРБЕКОВА.** Ғаллачиликда ресурстежовчи технологияларни жорий қилишнинг назарий асослари
116. **Б.ЖУРАЕВ.** Картошқачиликда ресурс тежамкор техника воситаларидан фойдаланиш йўллари
118. **В.БАҲРИДДИНОВ.** Инфляцияни таргетлаш шароитида макропруденциал сиёсат: тахлилий ёндашув
122. **Х.ХУҶАМКУЛОВА, Н.КАСИМОВА.** Мева-сабзавотчилик тармоғи: ривожланиш тенденциялари ва истиқболлари
124. **В.ГАНИЕВ.** Ishchi kuchi taklifi va unga bo'lgan talab o'rtasidagi nomutanosiblik
126. **Г.БЕКМУРОДОВА.** Тижорат банкларида рақамли маркетинг технологиялари самарадорлигини ошириш йўллари
129. **Н.БОЛТАЕВ.** Ривожланган давлатларда аграр таълим тизимини бошқариш бўйича илғор тажрибалар
132. **Ж.ИСАКОВ, А.НОРОВ.** Микромолиявий ташкилотларнинг кичик бизнесни ривожлантиришдаги роли
135. **Sh.SINDAROV.** Ta'lim muassasalari buxgalteriya hisobining me'yoriy-huquqiy asoslari
140. **Д.ТУРҒУНОВ.** Инновацион ривожланишда молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш механизмлари (стартap лойиҳалар мисолида)
143. **Ф.ИРИСОВ.** Мамлакатимизда ризовар мевалар етиштириш зарурияти ва истиқболлари
145. **А.МАХМУДОВ.** Енгил саноат корхоналарида таннархни аниқлашнинг замонавий усуллари

Agroiqtisodiyot

илмий-амалий агроиқтисодий журнал

3 (24), 2022

Бош муҳаррир: Тулқин ФАРМАНОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Алишер ШУКУРОВ
Саидасрор ҒУЛОМОВ
Норқул ҲУШМАТОВ
Ражаббой ДУСМУРАТОВ
Акмал ҚОСИМОВ
Яшнаржон АЛИЕВ
Муҳаммаджон ҚОСИМОВ
Абдуҳолиқ МУХТОРОВ
Исроилжон ХОЛМИРЗАЕВ
Назимжон АСКАРОВ
Аслиддин АБДУЛЛОЕВ
Кайрулла УБАЙДУЛЛАЕВ
Бахтиёр МЕНГЛИКУЛОВ

МУАССИС:


**Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик
ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази (ISCAD)**

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 10 мартда
0909-рақам билан рўйхатга олинган.

Журнал 2017 йил июндан чиқа бошлаган.

Бир йилда 4 мартда чоп этилади.

© Agroiqtisodiyot, 2022



ЕР МАЙДОНЛАРИНИ ДЕГРАДАЦИЯГА УЧРАШ САБАБЛАРИ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Аслиддин АБДУЛЛОЕВ,

Бухоро давлат университети кафедра мудири, PhD, профессор

Назимжон АСКАРОВ,

Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасини стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро марказ бўлим бошлиғи, и.ф.н.

Аннотация: Мақолада ер майдонлари, жумладан деградацияга учраган майдонлар таҳлил этилган. Ер майдонларининг деградацияга учраш сабаблари ва оқибатлари ифодаланган ҳолда ушбу майдонлардан самарали фойдаланиш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар баён этилган.

Аннотация: В статье анализируются земельные участки, в том числе деградированные. Представлены научные предложения и практические рекомендации по эффективному использованию этих территорий с указанием причин и последствий деградации земель.

Abstract: The article analyzes land plots, including degraded ones. Scientific proposals and practical recommendations for the effective use of these territories are presented, indicating the causes and consequences of land degradation.

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш, ривожланган давлатлар қаторига киришнинг энг муҳим омилларидан бири деградацияга қарши курашиш ва унинг салбий оқибатларини юмшатиш ҳудудларда чўлланиш ва қурғоқчиликни олдини олиш, биохилмаҳилликни асраб қолиш, деградацияга учраган ерларни қайта тиклаш орқали мавжуд ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва уни ошириш каби масалалар ҳисобланади.

Республикада мавжуд 44,9 миллион гектар ерларни бор-йўғи 4,3 миллион гектари ёки қарийб 10 фоизи суғориладиган ерлардан иборат. Ушбу ерларнинг қарийб 2 миллион гектари ёки 45 фоизи иккиламчи шўрланишга учраган. Ёки 800 минг гектар ерларимизда сув эрозияси муаммолари мавжуд. Қарийб 2 миллиондан ортиқ ерларда шамол эрозияси мавжуд.

Сўнги йилларда олиб борилган тупроқ тадқиқотлар натижасида тупроқ деградацияси билан боғлиқ қуйидаги ҳолатлар аниқланган:

биринчидан, суғориладиган ерлар турли даражада сув ирригация эрозиясига чалинган майдонлар 630,3 минг гектарни ташкил этиб, шундан 343,8 минг гектари кучсиз, 208,6 минг гектари ўрта ва 78,1 минг гектари кучли ювилган тупроқлардир;

иккинчидан, суғориладиган ерларнинг қарийб 53,2 фоизи турли даражада шўрланган бўлиб, шундан кучсиз шўрланган ерлар 31,9

фоизни, ўртача шўрланган ерлар 14,8 фоизни ва кучли даражада шўрланган ерлар 5,6 фоизни ҳамда жуда кучли шўрланган ерлар майдони эса 0,9 фоизни ташкил этади;

учинчидан, суғориладиган қишлоқ хўжалик ерларининг 7,6 фоизи турли даражада тошлоқли бўлиб шундан кучсиз тош аралашган ерлар 3,2 фоизини ўртача тош аралашган ерлар 3,1 фоизни ва кучли тош аралашган ерлар 1,4 фоизни ташкил этади;

тўртинчидан, суғориладиган қишлоқ хўжалик ер майдонларининг 68,6 фоизда тупроқ профилининг устки ҳайдалма қатламида 0,5–1,0 % атрофида гумус мавжуд бўлса 29,6 фоизда 1,1–2,0 фоизгача, 1,7 фоизда 2,1–3,0 фоизгача ва атиги 0,1 фоизда 3,0 фоиздан юқори миқдорда гумус мавжуд.

бешинчидан, геоботаник тадқиқотлар ўтказилган 5,7 млн гектар яйловларнинг 10,8 фоизи (551,3 минг га) турли даражада деградацияга учраган бўлиб, жами ўсимликлар сони 77 тур (шундан 61 тур озқўб, 15 тур зарарли ва заҳарли)ни ташкил этса, ҳосилдорлик 2,6 ц/га тенг ва 66 фоиз даржада ўсимлик билан қопланган.

Маълумки, унумдор ерларнинг майдони чекланган. Баъзи ҳудудларда эътиборсизлик оқибатида ер ресурсларининг деградацияга учраш ҳолати юзага келмоқда. Ана шундай салбий оқибатларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 10 июнда “Ерлар деградация-

Калит сўзлар: деградация, эрозия, ер майдони, сабаб, оқибат, самара, ҳосилдорлик, яйлов, яйлов сигими, озуқа.

сига қарши курашишнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-277-сон қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимида алоҳида янги департамент ташкил этилди. Республикамиздаги ерлар деградацияси, уларнинг олдини олиш, бу борада амалга ошириладиган ишлар бўйича вазифалар билан шуғулланиш департаментнинг зиммасига юклатилди.

Бугунги глобал иқлим ўзгариши даврида ер майдонлари деградацияси, тупроқларнинг ҳолатини сақлаш, қишлоқ хўжалигидан унумли фойдаланишга доир муаммолар бутун дунё аҳлини ташвишга солмоқда.

Ер ресурсларини деградацияга учрашининг асосий сабаблари бу қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарилишида оқилона бўлмаган амалиётнинг олиб борилиши, яйловлардан белгиланган тартибларга амал қилмаган ҳолда меъёрдан ортиқча фойдаланиш, ўрмонзорларни ва бошқа ўсимлик қопламанинг йўқ қилиниши каби жиҳатларни алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Қишлоқ хўжалиги тармоғида оқилона бўлмаган тадбирларни амалга ошириш, жумладан суғорма ерларда меъёрдан ортиқ сувнинг ишлатилишида, тупроқ юқори қатламнинг шамол ва сув эрозиясига учрашида, тупроқ юқори қатламнинг зичланиб махсус қават ҳосил қилганида, тупроқ шўрланишида ва турли хил тупроқ кирланиши каби жиҳатларда кўринади. Шунинг учун ерга ишлов бериш қандай олиб борилиши диққат билан ўрганилиши лозим.

Яйловлардан меъёрдан ортиқ фойдаланиш яйлов сифимига амал қилмаган ҳолда бир жойнинг ўзида катта миқдорда чорва бош сонини боқилишида юзага келади. Натижада, бундай ҳолатда яйловларнинг ҳосилдорлиқни тиклашдаги табиий қобилияти пасайиб кетади. Бошқача қилиб айтганда, чорва ўсимлиқни шу даражада истеъмол қиладики, экотизим уни қайта тиклай олмайди. Бундай ҳолатлар асосан аҳоли пунктлари ёки ишлаб турган сув манбалари мавжуд бўлган ҳудудлар атрофидаги яйловларнинг майдони камайишига олиб келади.

Таъкидлаш жоизки бугунги кунда кўп табиий яйловлар фойдаланилмай, деградацияга учрамоқда. Яйловларга туёқлилар келмаса, энг юқори тупроқ қатлами қотиб қолади ва шу ерга хос бўлган ўсимлик уруғлари тарқамайди, шунингдек ўсимликларнинг биологик хилма хиллиги ривожланмайди ҳамда юқорида таъкидланганидек, биологик турлар камай-

ган сари биологик жараёнларнинг ўтиши ҳам ёмонлашади, натижада ер деградацияси келиб чиқади. Чорва озукаси етишмаслиги сабабли яйловларни мавсумий алмаштириш усулидан ҳозирда фойдаланилмаябди. Бунинг асосий сабаби сифатида яйлов майдонларига чорва учун сув манбаларининг мавжуд эмаслиги каби омиллар таъсир кўрсатмоқда. Демак, ташландиқ ва ишламаётган сув манбаларини қайта тиклаш, яйловлардан фойдаланишда уларнинг алмашувини қайта жорий қилиш, яхшиланган емхашак турларидан фойдаланиш каби амалиётларни қўллаш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистонда қурғоқчил ва тоғли ҳудудларда чорва молларини тартибсиз боқиш натижасида ўрмон ва бутазорларнинг йўқ бўлиши содир этмоқда. Айниқса, чўл ҳудудидаги дарахт ва буталарнинг атрофида кўплаб ўсимлик ва ҳайвон турлари яшайди. Дарахт ва буталар ҳудуддаги қумларнинг силжишини тўхтатиб туради ҳамда шамол тезлигини пасайтириб, шамол эрозиясига тўсқинлик қилади.

Шунингдек, бундай дарахт ва бута жамоалари чўл ҳайвонлари учун қулай яшаш жойи яратади ва кўчманчи чорвадорлар фойдаланадиган ем-хашак турларининг ривожланишига қулай шароит яратади. Бундан ташқари, улар муҳим экологик функцияларни бажаради, шунинг учун чўлда дарахтларни кесганда нафақат бир дарахтнинг, балки бутун чўл жамоасининг ҳаёти ҳавф остида қолади.

Тоғларда ҳам ўрмонлар бир қатор экологик функцияларни бажаради. Тоғ ўрмонлари йўқ қилинганда, нафақат шу ердаги экотизимнинг, балки ҳудудда яшаётган одамларнинг ҳам ҳаёти ҳавф остида қолади. Тоғдаги ўсимлик қоплами илдиэлари орқали тупроқни мустаҳкамлигини ушлаб туриши сабабли уларнинг йўқ қилиниши сел, ер ва қор кўчкилари каби тез содир бўладиган табиий офатларга олиб келади. Шунингдек, аҳоли томонидан дарахт ва буталарни овқат пишириш ва уйларни иситиш мақсадида кесилиши, айрим дарахт турларидан уй қуришда ишлатилиши лекин дарахтлар сонини қайта тиклаш билан шуғулланмайди.

Республикамизда ер-сув манбаларининг чегараланганлиги, аҳоли сонининг ортиб бориши ва саноатнинг ривожланиши гўшт ва гўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг тобора ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Бу эса замонавий илғор технологияларни ишлаб чиқиш, мавжуд яйлов ва пичанзорлардан юқори ҳосил олиш ҳамда самарали ва оқилона фойдаланиш бугунги кунда энг асосий вазифа ҳисобланади.

Республикаимиз маъмурий-ҳудудий чегараларидаги ерларнинг 46 фоизи (21010,1 минг гектар)ни яйлов ва пичанзорлар ташкил қилади. Бу яйлов ва пичанзорлар чорвачиликни ривожлантириш учун асосий озуқа манбаи ҳисобланиб, аҳолининг гўшт, сут, жун ва тери каби чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришда муҳим табиий манбадир. Шу сабабли республикаимиздаги табиий яйлов ва пичанзорларни, бу ерда ўсадиган ўсимликлар дунёсини ўрганиш ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ илмий асосланган чора-тадбирлар ишлаб чиқишни талаб этмоқда.

Ҳозирда Республикаимиздаги яйлов ва пичанзорларнинг салмоқли қисми турли даражадаги деградацияга учраган. Қолган майдонларда ҳам яйловларнинг маҳсулдорлиги пасайган бўлиб, уларнинг ҳосилдорлиги пасайишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади. Хусусан:

- иқлим ўзгариши, шунингдек, Орол денгизитнинг қуриши натижасида тарқалаётган тузли қум бўронлари ва дегумификация жараёнлари;

- аҳоли эҳтиёридаги чорва моллари сонининг ўсиб бораётганли боис яйловга босимнинг ортиши;

- яйлов ва пичанзорлардан нораціонал фойдаланиш ва фойдаланиш жараёнларининг тартибга солилмаганлиги;

- яйлов ва пичанзорлардаги озуқабоп ўсимлик турларининг камайиб, уларнинг ўрнига озуқабоп бўлмаган (исириқ, бурган, оққурай келинсупурги ва бошқа) ўсимликларнинг кўпайиши;

- яйловларда мелиоратив тадбирларни амалга ошириш ишларининг сустлиги ва бошқалар.

Яйлов майдонларида ерларнинг деградациясига асосан суғориш иншоотларининг мавжудлиги, техник ҳолати, жойлашуви ҳам бевосита таъсир кўрсатиб, суғориш иншоотлари соз бўлган ҳудудларда чорва молларининг ҳаракати тартибли бўлади. Бошқача қилиб айтганда чорва молларини суғориш учун сув иншоотлари носоз яйловларда чорвадор битта қудуқ атрофида бир неча марта такрор ва такрор қайтиб келишга мажбур бўлади. Натижада чорва туёқлари ўсимликларнинг ўсиб ривожланишига шароит қолдирмайди. Шу боис, яйловлар деградациясининг олдини олишда суғориш иншоотларининг созлиги

ҳамда тўғри жойлаштирилганлиги ўта муҳим кўрсаткичлардан бири саналиди.

Биргина Навоий вилоятида мавжуд яйловлар мисолида таҳлил этадиган бўлсак, чўл минтақасида жойлашган ҳудудларда чорва моллари асосан, қудуқ ва Айдар қўл сувларидан фойдаланган ҳолда суғорилади. Қудуқлар чуқурлиги 15 метрдан 40 метргача бўлиб, сув сатҳи турличадир. Кўп қудуқлар муҳандислик иншоотлари асосида қурилган бўлиб, асосан, турли даражада шўрланган сувлардан иборат. Юқори адир минтақаларида эса чорва молларини суғориш, асосан, булоқ сувлари ҳисобига амалга оширилади. Табиий яйлов ва пичанзорлар асосан булоқ, ёмғир ва грунт сувлари ҳисобига ривожланади. Нурота туманидаги мавжуд суғориш иншоотлари сони ва уларнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар жадвалда келтирилган.

Нурота туманидаги яйловларда мавжуд суғориш иншоотлари сони ва уларнинг ҳолати

Т/р	Массивлар	Ишлайдиган қудуқлар	Ишламайдиган қудуқлар	Таъмирталаб қудуқлар	Лойиха қудуқлар	Скважиналар	Булоқлар
1.	Қизилча МЧЖ	32	1	16		1	
2.	Нурота МЧЖ	64	5	14		1	
3.	Мустақиллик	2	4			39	
4.	Ўзбекистон	11				2	140
5.	Истиқлол МЧЖ	68		8		188	
6.	Ғазгон МЧЖ	20	1	6	3	33	14
7.	Ш.Рашидов	3				1	62
8.	А.Навоий					131	
	Жами	200	11	54	3	396	216

Вилоятда жами 200 та суғориш қудуқлари мавжуд бўлган бўлса, шундан 27 фоизи таъмирталаб қудуқлар бўлса, 5,5 фоизи умуман ишламайди. Бу эса юқорида таъкидланганидек, бошқа қудуқларга бўлган босимни оширган ҳолда яйловлар деградациясига сабаб бўлади.

Яйловларда деградациянинг олдини олиш, яйловдан фойдаланувчиларнинг қўшимча даромадга эга бўлиш имкониятини ошириш, тиклаш бўйича қуйидаги тадбирларни бажариш таклиф этилади. хусусан:

- яйловларда чорва молларини тартибли алмашлаб (навбатлаб) боқиш тизимини жорий қилиш;

- инқирозга учраган яйловларни тиклаш мақсадида, озуқабоп ўсимликларни бирламчи уруғчилик майдонларини ташкил этиш;

- деградацияга учраган яйлов ер майдонларида яйлов ўсимликларини бойитиш, ўтлоқларда кам истеъмол қилинадиган ўтларни

озуқа жиҳатидан қимматлироқ бўлган эспар-
цет, астрагал, изень, терескен, шувоқ, эркак
ўт каби ўсимликлар билан алмаштириш тад-
бирларини ўтказиш лозим. Чунки яйловларда
қимматли озуқавий ўсимликларнинг жорий
этилиши яйловларнинг маҳсулдорлигини гек-
тарига 8–10 ц/гача ошириш ҳамда чорва мол-
лари сиғимини 2–3 баробаргача кўтариш им-
конини беради;

– фермер хўжаликлари ва яйловдан фой-
даланувчилар кооперативлари томонидан
маълум ҳудудларни сим тўсиқлар билан ўраш
орқали яйлов уруғчилиги ташкил этиш имко-
нини беради, ўз навбатида ушбу майдонларда
қишловга захира сифатида пичанзорлар ҳосил
бўлади;

– дарахт, бута ва яримбута ўсимликларни
аҳоли томонидан ёқилғи ва бошқа мақсадларда
фойдаланмаслик учун аҳолига туман ҳоким-
ликлари ва мутасадди ташкилотлар раҳбар-
лари иштирокида амалий семинар ва тре-

нинглар орқали тушунтириш ишларини олиб
бориш ҳамда бошқа альтернатив ёқилғи манба-
лари (газбалон, газплита ва бошқ.) билан таъ-
минлаш;

– чорва моллари меъёрини яйловларда тенг
тақсимлаш, чорва бош сонини ошиб кетишига
йўл қўймаслик;

– аҳолидан узоқ ҳудудларда чорва моллари-
ни сақлайдиган ва чўпонлар учун махсус жой-
лар ташкил этиш;

– фармацевтика ва бошқа мақсадларда
ўсимликларни йиғиб олувчилар томонидан
йиғилган ўсимликлар ўрнига ҳудди ўша ўсим-
лик турлари уруғларини экишни ташкил қи-
лиш;

– яйловларда тупроқ ва шамол эрозия ту-
файли ўсимлик қоплами камайишининг ол-
дини олиш учун эрозияга қарши ихота дарах-
тзорларини ташкил қилиш ишлари келгусида
ўзининг ижобий самарасини беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. ФАО. Тупроқни ҳимояловчи ва ресурстежовчи қишлоқ хўжалиги: Шарқий Европа ва Мар-
казий Осиёда қишлоқ хўжалиги мутахассислари ва фермерлар учун ўқув қўлланма. Т.: СС BYNC-
SA 3.0 IGO, 160 б. 2019 й.
2. Бессонова Е.А. Эколого-экономическая реабилитация нарушенных и дегра-
дированных сельскохозяйственных земель. – Курск: Изд-во ООО «Планета», 2011. – 240 с. – 14,9 п.л.
3. project.gov.uz ва lex.uz маълумотлари миллий базаси